

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА МАЪНАВИЙ ВА МАЪРИФИЙ ТАРҒИБОТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

М. Т. Вахабов

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети, Ижтимоий- гуманитар фанлар, жисмоний маданият ва спорт кафедраси катта ўқитувчиси

Л. Ў. Жамолов

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети, Ижтимоий- гуманитар фанлар, жисмоний маданият ва спорт кафедраси доценти

О. Р. Турғунбоев

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети, Ижтимоий- гуманитар фанлар, жисмоний маданият ва спорт кафедраси доценти

### Аннотация

Ушбу мақолада “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш, Президентнинг 2022 йил 28 январдаги Фармонида белгиланган 100 та мақсадни рўёбга чиқариш жараёнида жамият ғоявий-маънавий ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар, янги даврнинг маънавий тарғибот соҳаси олдига қўяётган улкан ва мураккаб вазифалари, “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” ғоясини тарғиб этишдаги инновацион ёндашувлар, “Узлуксиз маънавий тарбия” концепциясида тарғибот-ташвиқотнинг ўрни масалалари фалсафий жиҳатдан тадқиқ этилади.

**Калит сузлар.** Стратегия, маънавий тарғибот, ташвиқот, миллий тикланиш, миллий юксалиш, инновацион ёндашув, узлуксиз маънавий тарбия, маънавий макон, маърифатпарвар жамият, тарбия, онг, тафаккур, иммунитет, мафкура, таълим-фан,



**Асосий қисм.** Янги Ўзбекистон учун характерли хусусият – маънавий макон ва маърифатпарвар жамият тушунчалари десак, муболаға бўлмайди. Ижтимоий-маънавий лексиконга киритилган бу тушунчалар ҳозирги шароитда янгича мазмун ва моҳият касб этмоқда. “Маънавий макон” деганда, Президент Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, халқимиз орзу қилаётган, барпо этишга интилаётган, бахтли-саодатли яшашни ният қилаётган Янги Ўзбекистон, унинг маънавий қиёфаси инъикосидир. «Янги Уйғониш даври пойдеворини яратиш жараёнида энг ривожланган жамиятлар талабига жавоб берадиган, эркин фикрли, замонавий ва инновацион маънавий маконни шакллантириш зарурати муҳим масалага айланиши табиийдир»<sup>1</sup>. Бинобарин, ушбу маънавий маконнинг ўзагини ташкил этадиган маърифий жамиятни яратиш мафқурасиз, натижадор тарбиявий ишларсиз амалга ошмаслиги табиий.

Тарбия тўғрисида фалсафий адабиётларда ҳам, кундалик матбуотда ҳам кўп фикр юритилган. Ушбу мавзу бўйича янги бир ғоя ёки таълимот яратиш мушкулдек кўринади. Бироқ, ҳаёт диалектикаси шундайки, ҳар бир тарихий давр тарбия масаласига ўз эҳтиёжлари, ўз манфаатлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб ёндашади. Ўзбекистон ўз тарихининг янги саҳифасини очар экан, таълим ва тарбия соҳасида ҳам туб ислохотларни амалга оширишни кўзда тутган.

Президент Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида (2020 йил 24 январь) тарбия масаласига алоҳида эътибор қаратди, ушбу тарихий ҳужжатда 6 маротаба тарбия тушунчасини истеъфода этди ва қуйидагиларни таъкидлади.<sup>2</sup>: Бизнинг мақсадимиз – Ўзбекистонни дунёдаги ривожланган давлатлар қаторига киритиш, бунинг учун, энг аввало, янги авлод кадрларини етиштириш зарур, токи улар оддий ислохотчи эмас, ташаббус кўрсатадиган ислохотчи бўлиб майдонга чиқсин, тафаккури стратегик миқёсда бўлсин, билими ва малакаси жаҳон стандартларига жавоб берсин.

Давлатимиз раҳбари Шарқ донишманди айтган ҳикматли сўзни келтирди, унга кўра инсон фарзандларига қолдирадиган энг муносиб мерос – бу яхши тарбия, энг катта бахтсизлик эса, жаҳолатпарастлик, илимсизлик, нодонликдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 май куни имзоланган ПҚ-4307 сонли Қарорида таъкидланганидек, “Мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, бу борада амалга оширилади”



чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, аҳоли, айниқса ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ватанпарварлик, халққа муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда”3.

Мазкур Қарорда бизнинг мавзу учун аҳамиятли қуйидаги фактлар қайд этилган: а) жаҳонда ғоявий-мафкуравий курашлар кескин давом этмоқда; б) ҳозирги даврда маънавий таҳдидлар кучайиб бормоқда; в) айрим тоифа ёшлар орасида азалий қадриятларимизга нисбатан лоқайдлик, бепарволик сезилмоқда; г) четдан сунъий равишда сингдирилаётган зарарли ғоялар домига тушиб қолиш аломатлари кузатилмоқда; д) энг катта хатар эса, ёшларнинг экстремистик ҳаракатларга, жиноий гуруҳларга адашиб кириб қолиши ҳамон давом этмоқда.

Мазкур Қарорнинг аксарият бандлари маънавий тарғиботнинг ташкилий жиҳатларига тааллуқли бўлгани учун бу масалаларни навбатдаги мақоламизда батафсил баён қиламиз. Айни пайтда ушбу ҳужжатда назарда тутилган “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси” ҳамда уни амалга ошириш чора-тадбирлари режаси Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори билан тасдиқланди. Концепция устида ишчи гуруҳи самарали меҳнат қилди, бу ҳужжат лойиҳа тарзида бир неча бор мутахассислар муҳокамасига қўйилди. У назарий-методологик негизлари мустаҳкам, замонавий илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларига таянган ҳолда тайёрланди.

Маълумки, тарбия инсон шахсини шакллантирадиган омиллардан энг муҳимидир. Буюк маърифатпарвар Абдулла Авлоний, “Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир” деб бежиз таъкидламаган. Айниқса, ўзбек халқи тарбияни ҳам ҳаёт, ҳам нажот, ҳам саодат масаласи деб билади.

Турли ижтимоий институтларнинг ҳамкорликдаги фаолияти ҳамда тизимли ва тадрижий тарзда олиб борилган маънавий тарбия натижасидагина муайян ғояларни кишилар онги ва қалбига сингдиришдек мураккаб ва серқирра жараён кўзланган натижани беради. Хусусан, фан, маданият, маданий-маърифий муассасалар, оила, меҳнат жамоалари, сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари каби ижтимоий институтлар бу жараёнда муҳим ўринни эгаллайди. Бу ўрин, бир томондан, уларнинг хар



бирининг кишилар онгига таъсир ўтказишнинг ўзига хос ва бетакрор усулларга эга экани ва, иккинчи томондан, ҳар бир инсон бутун ҳаёти давомида ёки унинг муайян босқичида мазкур институтларнинг мунтазам таъсири остида бўлиши билан белгиланади.

Мустақиллик йилларида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари каби таълим тизимини ислоҳ қилишга ҳам алоҳида эътибор берилди. “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг ишлаб чиқиши бунинг исботидир. Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш боғланган 2017 йилдан бу соҳада туб бурилиш ясалди. Замоннинг янги талабларини ҳисобга олган ҳолда Қонун такомиллаштирилди, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан янги таҳрири қизгин муҳокама қилиниб, 2020 йил май ойида қабул қилинди, Президент имзоси билан шу йил 23 сентябдан кучга кирди.

Ушбу ҳуқуқий актларнинг қабул қилиниши шу пайтгача мазкур соҳада мавжуд бўлган тизимнинг демократик ўзгаришлар ва бозор муносабатлари талабларига мувофиқ эмаслиги, юқори малакали педагогик кадрлар, сифатли ўқув-услубий ва илмий адабиётларнинг етишмаслиги, таълим-фан-ишлаб чиқариш бўғинлари ўртасида ўзаро фойдали ҳамкорлик ва интеграциянинг йўқлиги каби жиддий ва чуқур илдиз отган камчиликларни баратараф этишнинг ҳаётий заруратга айланиб қолгани билан белгиланган эди.

Таълим соҳасидаги ислохотларнинг мақсади ана шундай негатив ҳодисаларни баратараф этиш билан бир қаторда тарбия тизимининг миллий заминини мустаҳкамлаш, уни жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган даражага олиб чиқишдан иборат. Таълим ислохотларининг бош мақсади ҳар томонлама етук шахсни вояга етказишдан иборат экан, бу таълим жараёнида амалга ошириладиган ғоявий тарбиядан ташқарида воқе бўлолмаслиги аниқ.

“Таълим тўғрисида”ги Қонунда мустаҳкамлаб қўйилганидек, таълим соҳасидаги давлат сиёсати таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик ва дунёвий характерини, унинг узлуксизлиги ва изчиллиги, умумий ўрта, шунингдек ўрта махсус, касб ҳунар таълимининг мажбурийлиги, давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги, жинси, тили, ёши, ирқи, миллий мансублиги, ижтимоий келиб чиқиши ва мавқеидан қатъи назар, билим олишда тенг ҳуқуқларни кафолатлаш ва таъминлашдек принципларга асосланган ҳолда ривож топиб бориши унинг



ғоявий тарбия жараёнидаги ўрни, мавқеи ва имкониятлари доираси кенглигини белгилаб беради.

“Ҳаётимиз – саёҳат, ғоя эса йўлчи юлдуз”, - деб ёзган эди буюк француз адиби Виктор Гюго. Ғоянинг улуғлиги эртанги кун буюклигини таъминлашнинг заминидир. Айти пайтда, ғоя қанчалик улуғ бўлса, уни амалга ошириш шунчалик куч-қудрат, улкан матонат ва шижоатни талаб қилади. Шу ўринда ўз пайтида миллий истиқлол ғоясига пойдевор, мустаҳкам замин бўлган: **“Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт”** ғоясининг халқимиз маънавиятига таъсирини, унинг тарихий илдизлари, замонавий асослари ва истиқболларини таҳлил қилиш зарур.

Озод бўлмаган юрт обод бўлолмайди, эркин бўлмай туриб фаровон ҳаёт куриб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт куришдек мўлжалимиз Ўзбекистоннинг келажаги буюклигини таъминлаш билан узвий боғлиқдир. Бунда ушбу ғоянинг мазмуни билан боғлиқ бир қатор жиҳатларни тўғри англаб олиш ниҳоятда муҳим ҳисобланади.

Ғоя ўз моҳиятига кўра объектив характерга эга бўлади. Ҳар бир ғоянинг қиммати унинг мана шу объективлиги, яъни етилган эҳтиёж ва заруриятни, тарих, замонавий воқелик ва истиқболни нечоғлиқ тўғри акс эттириш даражаси, амалиёт ривожига ўрни ва аҳамияти билан белгиланади. Агар мана шу мантиқдан келиб чиқадиган бўлсак, “Миллий юксалиш” ғоясида Ватан озодлиги ва ободлигини, эркин ва фаровон ҳаётни, буюк келажакни таъминлашга даъват, бунинг учун реал ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий шарт-шароитлар яратиш даркорлигини кўрамыз.

Ушбу жараёнда бундай истиқбол учун замин бўла оладиган улуғ тарихга эгалгимиз ҳам ботиний тарзда ўз ифодасини топган. Айти пайтда, юқоридаги ғоя фаолиятимиз парадигмаси сифатида чиқади, мақсадимизни аниқ аён этади. Бир сўз билан айтганда, эртанги кунимизга ишонч туйғуларини тарбиялашга, ўз йўлимиз, истиқлолимиз ва истиқболимиз йўлида мустаҳкам эътиқод ва кучли ирода билан ҳаракат қилишга ундайди. Энг муҳими бундай мақсадни кўзлашимиз учун барча асослар бор, у ўзининг ҳаётий илдизларига эга.

Кишилар ўз тарихларини ўзлари яратадилар. Инсон, унинг фаолиятдан ташқарида тарих ҳам, тараққиёт ҳам бўлмайди. Ана шу тарих халқ оммаси билан бир қаторда ижтимоий ривожланишда алоҳида олинган шахсларнинг



Ўрни ва роли ниҳоятда катта эканидан ҳам далолат беради. Табиатшуносликнинг кўпгина тармоқларини Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Беруний, фалсафа фанини Форобий, тиббиёт ривожланишини Ибн Сино, фалакиёт фанини Мирзо Улуғбек, адабиёт - сўз санъати ривожланишини Алишер Навоий, исломшунослик илмлари тараққиётини Имом Бухорий, Имом Термизий, Нажмиддин Кубро, Бурҳониддин Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий тимсоли, асарлари ва фаолиятисиз тасаввур қилиш ниҳоятда қийин. Зеро, бу каби даҳолар ўзлари фаолият кўрсатган соҳаларнинг кескин даражада гуркираб ўсишига улкан ҳисса қўшганлар, инсон билими, тафаккури ривожланишининг устувор йўналишларини белгилаб берганлар.

Миллатимиз босиб ўтган йўлга назар ташлар эканмиз, маданият, маориф, санъат, ахлоқ каби ўнлаб соҳаларда яратилган ўлмас асарлари, ижодлари билан инсоният маънавиятининг бугунги қиёфаси шаклланишига кучли таъсир кўрсатган бундай даҳоларга бойлигимизни кўрамиз. Уларнинг асарларисиз жаҳоннинг бугунги илм-фани, маърифати, инсоннинг маънавий-рухий изланишларини, умуман олганда, маданияти ривожини тасаввур қилиш амалий жиҳатдан мумкин эмас.

Аммо, жамиятга, унинг тарихига ижтимоий ҳаётнинг хилма-хил соҳаларининг пардаси ортидан эмас, балки яхлит бир тизим ва уни бошқарув нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, Мирзо Улуғбек, Бобур каби буюк аждодларимиз сиймоси кўз ўнгимизда гавдаланади. Улар салтанатни моҳирона бошқариш, билан бир қаторда илму фан, адабиёт ва санъат ривожланишига ҳам муносиб улушларини қўшдилар. Агар ижодий фаолият билан давлат бошқарувини узвий қўшиб олиб борган арбобларга инсоният тарихи унчалик бой эмаслигини эслайдиган бўлсак, бобокалонларимизнинг буюк инсонлар бўлганига яна бир марта иймон келтириш мумкин.

Амир Темур ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби аждодларимиз асос солган буюк давлатчилик тарихи ҳам бор. Бунда айниқса, Амир Темурнинг ўрни алоҳида ва айрича эканини таъкидлаш зарур. Зеро, у фан, маданият, адабиёт, санъат даҳоларидан фарқли ўлароқ ўзининг тафаккур қудрати, кучли иродаси билан ижтимоий ҳаётни бир бутун ҳодиса, хилма-хил соҳаларнинг ўзаро чамбарчас бирлиги ва узвийлигида олиб қараб салтанатни бошқарди. “Куч - адолатда”, - деб билган буюк бобомизнинг “Тузуқлар”ини эса жамият, давлатни бошқаришни ташкил этишнинг сиёсий-ҳуқуқий ва ахлоқий асослари



яратилган, таҳлил қилинган қомус, сиёсат ва бошқарув илмига кўшилган улкан ҳисса, деб баҳолаш учун барча асосларга эгамиз.

Амир Темур ҳаёти ва фаолияти буюк давлат арбобларининг ўз даврининг фарзанди сифатида вақт қўйган муаммоларни бошқалардан кўра чуқурроқ ва олдинроқ кўра олишларининг, уларни ҳал қилишнинг оқилона йўлларини таклиф қилганликларининг яққол намунаси ҳисобланади.

Шундай қилиб, юқоридаги ғояда улуғликка даъвогарлигимиз теран тарихий илдизларга эгаллигига ишора, уни билиш, англаб етишга чақирик ва муносиб ворис бўлишга даъват мавжуд.

Узоқ вақт истибдод остида бўлдик. Халқимизнинг кўплаб асл фарзандлари, даҳолари бегуноҳ қурбон бўлди. Тарихимизнинг кўплаб саҳифалари ўрганилмади. Буюклик сарчашмаларидан бебаҳра бўлиб келдик. Кўплаб маданият дурдоналари изсиз йўқолиб кетди.

Мустақиллик туфайли ана шундай сиёсат ва амалиёт барҳам топди. Унинг иллатлари эса тугатилди ва тугатилмоқда. Бу ўз давлатига эга Эркин Халқ, Озод Ватан бўлганимиз натижасидир. “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт” деган ғояда ана шу ҳурликка ишора, уни кўз қорачиғидек асрашга ва қўлга киритилган мустақилликни ҳар томонлама мустаҳкамлашга даъват мавжуд. Зеро, ҳур бўлмаган халқ ҳеч қачон буюк бўлолмайди.

Ғоя, унинг олдиндан айтиб бериш функцияси, у ёки бу даражада ҳали маълум бўлмаган ҳодисани очиб беришга хизмат қилади. Бунда олдин мавжуд бўлган, аниқ бўлган ва тушунтирилган ҳодисаларга таянилади. Демак, ғоя ўзи акс эттираётган воқеликнинг мавжуд моҳияти, ривожланиш қонуниятларидан келиб чиқиб, айрим тенденцияларда намоён бўла бошлаган унинг кейинги ривожланиш босқичларини олдиндан айтиб беришга хизмат қилади.

Мазкур методологик аҳамиятга эга қоидадан буюклик фақат ўтмишда қилинган улуғ ишлар, қўлга киритилган ютуқлар билангина чегараланмайди, деган хулоса келиб чиқади. Бугунги кунда маданиятимиз дунёга юз тутаётгани, математика, биология, геология, медицина каби қатор фан соҳаларида катта муваффақиятларга эришаётган илмий мактабларимиз жаҳоннинг буюк давлатлари илмий мактаблари билан бўйлаша бошлагани ва дунё илм-фани саҳнида ўз ўрнига эга бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Миллий тарбия тўғрисида фикр юритар эканмиз, кейинги йилларда педагогика фанлари доктори, профессор М.Қуронов хизматларини алоҳида қайд этиш



лозим бўлади. Хусусан, ушбу етук олим муаллифлиги ва раҳбарлиги остида тайёрланган “Миллий тарбия ва ёшлар”4. коллектив монографиясида юртимиз келажаги бўлган ёш авлодни шакллантиришда миллий тарбиянинг ўрни ва аҳамияти атрофлича ёритилган. Шунингдек, тарбиянинг моҳияти, “ундан кўзланган мақсад, бугунги кун ёшларининг қарашларини тўғри йўлга бошлашда миллий тарбия йўналишлари, тажрибалар ва истиқболли йўналишга доир илмий-назарий, тарихий, илмий-публицистик фикр-мулоҳазалар қаламга олинган”5.

Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси ўз моҳият-маъносига кўра шахснинг ғоявий эътиқодини шакллантиришни назарда тутди. Шахснинг ғоявий эътиқодини шакллантириш мафкуравий муносабатларнинг асосий мақсади ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, эътиқоднинг мазмуни ва инсон ҳаётидаги ўрнини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Эътиқод ҳақида фикр юритар эканмиз, унинг ўзига хос таянч ролини ўташини, инсон фаолияти учун маънавий замин эканини таъкидлаш зарур. Ҳар қандай ҳодиса каби эътиқод ҳам доимий такомиллашиб боради. “Ҳар қандай қатъий эътиқодларимиз ҳам билимларнинг янада юксалиши туфайли улоқтириб ташланиши ёки жуда бўлмаганда ўзгартирилиши мумкин”, - деб ёзган эди инглиз олими Т.Гексли. 6.

Шундай экан, собиқ шўролар давридан фарқли равишда мустақиллик шароитида кишиларимизда миллий қадриятларимиз ва улуғ тарихимизга юксак ҳурмат, юртимизнинг эртанги куни, халқимизнинг фаровон ҳаёти, давлатимизнинг буюк келажигига ишонч руҳи билан суғорилган ва муталқо янги мазмун-моҳиятга эга эътиқод шаклланиши табиий ҳол.

Эътиқод тизимининг ўзагини ташкил этадиган ғоявий эътиқод прогрессив ва реакцион моҳиятга эга бўлиши мумкин. Бу ўз навбатида умуман эътиқоднинг мазмунини белгилаб беради. Ғоявий эътиқоднинг мазмуни амалий фаолиятда ўзлигини ёрқин намоён қилади. Хусусан, шахснинг прогрессив ғоявий эътиқоди шахсий манфаатларни жамоат манфаатларидан устун қўймасликда, ижтимоий ўзгаришларда фаол иштирок этишга, унга ўз улушини қўшишга интилишида кўринади.

“Бизнинг тафаккуримизни эгаллаб олган ғоялар – эътиқодимизни ўзига бўйсундиради ва ақл- виждонимизни ўша ғояларга мустаҳкам боғлайди – ўз қалбингни узиб ташламай туриб бу алоқадан қутулиб бўлмайди”,-деб ёзган





эди мутафаккирлардан бири. Шунинг учун ҳам, кишилар ўз эътиқоди йўлида ўлимдан ҳам қайтмайдилар. Кучли эътиқодга асосланган мардлик юксак жасорат намуналарини кўрсатиш учун замин яратади. Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди каби буюк аждодларимизнинг Ватан мустақиллиги йўлида кўрсатган жасоратлари ана шундай юксак ва мустаҳкам эътиқоднинг тимсоли бўла олади.

Эътиқодсизлик ёки реакцион моҳиятга эга эътиқод шахс ва жамият ҳаётига салбий таъсир кўрсатади.

“Салгина эпкинга ҳам айланаверадиган онгсиз пирпиракка ўхшамаслик керак”, - деб ёзган эди улуғ инглиз ёзувчиси Ж.Лондон.7. Кичкина ташқи таъсир, вазиятнинг озгина ўзгариши натижасида ўз эътиқодини ўзгартираверадиган, иродасизлик қиладиган кишиларни ҳам ана шундай пирпиракка ўхшатиш мумкин. Бундай ҳолат моҳият эътибори билан кишининг эътиқодсизлигини кўрсатади.

Эътиқодсизликка хос хусусиятлардан бири журъатсизликдир. У инсоннинг ўз ҳаёти давомида тўплаган билимлари, тажрибасига қатъий ишончининг йўқлиги, ирода кучсизлигининг ҳосиласи сифатида чиқади. Оқибатда бундай кишилар кўпинча бошқалар таъсирига тез тушиб қоладилар, уларга эргашиб ёки кўр-кўрона бўйсиниб яшайдилар, аксарият ҳолларда манфур ниятли кишилар кўлида кўғирчоққа айланадилар. Эътиқодсизлик аста-секинлик билан бўлса-да шахснинг тўғри ҳаёт йўлидан бутунлай тойиб кетишига замин яратади. Бугунги кунда турли диний экстремистик кучлар таъсирига тушиб қолган айрим ёшлар ана шундай эътиқодсизлик қурбонларидир.

Ирқчилик, миллатчилик, диний экстремизм каби мафкуралар таъсирида шаклланган эътиқод кўринишлари ўз моҳиятига кўра реакцион характерга эга. Албатта, уларни эътиқод кўринишлари дейишнинг ўзи шартли характерга эга. Зеро, эътиқоднинг юқорида келтирилган таърифига кўра у амалий фаолиятнинг маънавий асоси сифатида инсон ҳаётига маъно-мазмун бахш этади, унинг камолотига хизмат қилади. Юксак ғоялар, эзгу мақсадлар билан ниқобланган “эътиқод”нинг реакцион моҳияти фақат шахснинг деградациясига таъсири билан белгиланмайди.

“Халқ бахтсизликлари тарихини ўрганувчи ҳар қандай одам ер юзига бу кулфатларнинг кўп қисмини жаҳолат олиб келганига ишонч ҳосил қилиши мумкин”, - деб ёзган эди француз файласуфи К.Гельвений.8.



Шу нуқтаи назардан қараганда, юқоридаги кўринишдаги “этикод” жамият ҳаётига ҳам ўта салбий таъсир кўрсатади, бузғунчилик ва ижтимоий беқарорлик учун замин яратади.

**Хулоса.** Ўзбекистонда маънавий-маърифий ишларни ва мафқуравий жараёнларни ташкил этишнинг устувор йўналишлари куйидагилардан иборат:

- белгиланган тадбирларнинг юқори даражада уюшқоқлик билан ўтказилишини таъминлаш;
- маънавиятнинг, миллий ғоянинг тарғиботи сифатини мунтазам ошириб бориш;
- давр талабларидан келиб чиққан ҳолда маънавий-маърифий ва мафқуравий ишларни ташкил этишнинг янги, самарали йўллари излаш;
- бу соҳада эски услубларнинг мутлақлаштирилишига, андозалаштиришга йўл қўймаслик;
- маънавий-маърифий ишлар ва мафқуравий жараёнларни ташкил этишда ижтимоий муҳитни ҳисобга олиш;
- маънавий-маърифий ишлар ва мафқуравий жараёнларни ташкил этишда учрайдиган расмиятчилик ва мажлисбозлик кўринишларига баҳрам бериш;
- мафқуравий фаолиятнинг қанчалик самарали олиб борилаётганини билиш мақсадида унинг мониторингини ташкил этишдан иборат.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Тошкент, «Ўзбекистон». 2022. Б.266.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь // Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.
3. Қаранг: “Маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2019 йил 3 май. // Халқ сўзи, 2019 йил 4 май.
4. Қаранг: М.Қуронов ва бошқ. Миллий тарбия ва ёшлар. Тошкент, «Камалак» нашриёти. 2016
5. Қаранг: Ўша асар.
6. Чертанов М., Дарвин, М., «Молодая гвардия», 2013 г., с. 215.
7. Цитир. По кн.: Андрей Курпатов. Самые дорогие иллюзии. Интернет



материалсточник: <https://vikent.ru/author/241/>

[http://db4.sbras.ru/elbib/data/show\\_page.phtml?76+273](http://db4.sbras.ru/elbib/data/show_page.phtml?76+273)

8.Гельвеций Клод Адриан. Цитаты и афоризмы. Москва, 2018, Стр.99.

<https://ru.citaty.net/avtory/klod-adrian-gelvetsii/>.

